ШАХС ДЕЙКСИСИНИНГ НУТҚИЙ МУЛОҚОТДА ИФОДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.ИШАНЖАНОВА

Мақолада шахс дейксисининг нутқий мулоқотда ифодаланиш хусусиятлари ўзбек ва француз тиллари мисоллари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *дейктик элементлар, номинатив белгилар, референтлик хусусияти, коммуникатив шахс категорияси, денотатив ва сигнификатив маънолар, эксклюзив, инклюзив шакллар*

В статье на материале французского и узбекского языков рассматривается специфика выражения персональных дейксисов в речевом акте.

Ключевые слова: *дейктические элементы, номинативные знаки, особенность референции, денотативно-сигнификативное значение, категория коммуникативной личности, эксклюзивные и инклюзивные формы.*

This article presents information about one of the deixis case-expression of personal deixis in oral speech on the example of the French and the Uzbek languages.

Key words: *deictic elements, nominative signs, feature references, denotative-significative meaning, category communicative personality, exclusive and inclusive forms.*

Ҳар бир тилда номинатив белгилар билан бир қаторда ишора белгилари, ўриндош сўзлар мавжуддир. Ушбу ишора белгилари ва ўриндош сўзлар дейктик бирликларни ташкил қилади.

Дейктик бирликларнинг маъно хусусиятлари бошқа номинатив белгиларникидан фарқ килади. Улар воқеликдаги предмет-ҳодисаларни бевосита атамасдан, балки нутқ вазиятида нисбий атаб келади. Ҳамреферентлик хусусияти олмошларда ҳам кўринади. Олмошлар қўлланиш фаоллиги билан бошқа сўз туркумларидан жиддий фарқланади. Олмошларда номинативлик хусусиятнинг йўқлиги, фақат гап таркибида от, сифат, сон ўрнида кела олиши уларни лексик-грамматик жиҳатдан ўзаро тенг қилиб қўяди. Аммо у дейктик белгилар тоифасига киргани учун бу сўз туркумларига стилистик жиҳатдан оппозицияда туради. Дейктик сўзлар олмошлар ҳисобига ҳам кенгайиб боради.

Шахс дейксиси олмошлар, яъни кишилик олмошлари билан ифодаланишига кўра характерланади. Шахс дейксиси майдони марказида шахс туради. Шахс дейксиси нутқий актда қўлланиб, шахсларнинг мулоқот жараёнидаги ўрнини кўрсатувчи (нутқ субъекти, нутқ адресати, нутқда иштирок этмаётган шахс) сўзлар билан берилади. Барча тиллардаги каби, ўзбек ва француз тилларида ҳам шахс дейксиси кишилик олмошлари билан ифодаланиб, уч шахсда берилади:

	I шахс	**II шахс**	**III шахс**
Ўзбек тилида	*мен/биз*	*сен/сиз*	*у/улар*
Француз тилида	*Je/nous*	*tu/vous*	*il,elle,/ils,elles*

Маъноси ва тилда бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан бу шакллар ягона тизимни ҳосил килишади. Кишилик олмошларидан *мен* ва *сен* олмошлари коммуникатив шахсларни ифодалайди. Улар бевосита мулоқот иштирокчиларинг хамреферентлари саналиб, нутқ жараёнида айрим қарама-қаршиликларни ҳам ҳосил киладилар. Масалан: I. *Je – Men, Tu – Sen* – «сўзловчи» ва «тингловчи» қарама-қаршилиги «коммуникатив шахс» категориясини ташкил килади; : II. *Je – Men, Tu – Sen, Il, Elle - U* қарама-қаршилиги тил тизимини нутққа ўтказувчи асосий механизм учун жуда аҳамиятлидир. Ҳинд-Европа тилларида учинчи шахс олмошларнинг ўзига хос белгиси родларни кўрсатишидир. А.А.Уфимцева фикрича, учинчи шахс олмошлари дейктик хусусиятга эга эмас, балки ўрин алмаштиришдир. Уларни нокоммуникатив шахс деб атайди. [1.176] Г.Г.Почепцовнинг фикрича, *у* олмоши *мен* ва *сен* олмошларига қарама-қарши туради. *У* олмоши *мен* ва *сен*нинг мулоқот жараёнида мавжуд бўлиб, шу тариқа у коммуникантлар нутқий фаолиятига бевосита таъсир ўтказади [2.37]. Ш.Сафаров учинчи шахс *у* олмоши етарлича коммуникативлик даражада эканлигини эътиборга олиб, *у* олмошини шахс дейксисини ифодаловчи лисоний воситалар қаторига қўшиш мумкинлигини таъкидлайди, ўрин алмаштириш вазифасини эса ҳамма олмошлар бажаришини айтиб ўтади. [3.169]

Ўрин алмаштириш вазифаси матнда референтлик ҳодисасини вужудга келтиради. Масалан, кишилик олмошларида, ***Il*** *venait de recevoir un coup de feu dans la cuisse.* ***U*** *xozirgina sonidan o'q yegan edi. (Prosper Merimée)* Лекин *Moi,* ***je*** *suis Gianetto Sampiéro…* ***Мен*** *Жианетто Санпиероман…* дейилганда *je-мен* олмоши ҳеч қандай сўзни алмаштириб келмаган.

Коммуникатив шахс категорияси *мен, сен* қарама-қарашлилигига хос бўлиб, улар бир вақтдаги нутқ жараёнига тегишли бўлади. Ҳар қандай мустақил маъноли сўз, шу жумладан, от сўз туркуми номланиш тизимида шакл ва луғавий маъносига кўра виртуал белги сифатида сақланади, иккинчи шакли тил тизимида мавжуд предмет номига вариантдош сўздир.

Шунинг учун ҳар бир нутқ фактида тўлақонли номнинг қўлланилиши объектив тушунча, референтлар, сигнификат ва денотатлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Мустақил сўзларнинг фарқ килувчи хусусияти шуки, сўз билан ифодаланган тушунча виртуал бўлиб қоладими, ёки нутқда актуаллашадими, шунга қарамай, уларнинг семантикаси шу тилни билувчиларда аниқ субъектли тассавурни уйғотади. Мустақил сўзларнинг ўзига хос семасиологик хусусияти уларнинг мустақил тушунча ифодалаши, нутқ мулоқоти жараёнида сигнификат ва денотат томонидан аниқ вақт ва предметлик қаторида ўзаро боғланишидир.

Бенвенист «*Мен*» ёки «*Сен*» муносабатидаги «аниқлик» ўзи нимада эканлиги масаласида шундай фикр билдиради: «Бу истисно ҳолатдаги «нутқ реаллиги», чунки у атамалар каби бирор бир аниқ объект номини билдирмайди. «*Мен*» фақат нутқ жараёнида аниқланиши мумкин. «*Мен*» – «*мен*»-ни нутқда ижро этувчи шахсни биладиради» [4.35] *Мен, сен* ва шунга ўхшаш дейктикларнинг маъноси ўта кенг берилгани ҳолда, «*мен*»да «сўзловчи»,

«*сен*»да «тингловчи» шахс тушунчаси кўринади. *Мен, сен* олмошлари ягона референт синфини ташкил этмайди. Чунки мен референтларининг сони бир вақтда нутқ муносабатининг субъекти бўла оладиган чексиз шахсларга тегишли бўла олади.

Демак, тилда моддий референтлик муносабатига эга бўлмаган, ўзига хос «бўш белгилар», яъни борлиқдаги референт муносабатлардан ҳоли, лекин реал нутқ актида маълум вақт оралиғида шахсни билдирувчи ишора сўзлар мавжуддир. *Мен, сен, у, биз, сиз, улар* дейктик сўзлари ўз асосида денотат, яъни белгиланган предметлар синфи ҳақида типлаштирилган тассавурни ҳосил қилмайди.

Шунга қарамай, бундай «бўш» сўзлар тил системасида ҳеч қандай маънога эга эмас деб хулоса чиқариш тўғри эмас [4.35] Аксинча, *«мен»* – (нутқ субъектини ифодаловчи), *«сен»* – (тингловчи шахсни билдирувчи) типидаги дейктик сўзлар ниҳоятда умумлашган, лекин тил учун жуда муҳим категориал тушунчаларни ифодаловчи сўз шакллари ва тил элементлари билан ўхшашдир. Предметлик маъносини шакллантирувчи денотатив муносабатга эга бўлмаган *мен, сен* ва шунга ўхшаш типдаги дейктиклар аниқ нутқ муносабатидаги референтлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Шунга кўра, бундай белгилар референтларининг мавжудлиги фақатгина конкрет ҳолатда бир вақтдаги нутқ муносабатида аниқланиши мумкин. Масалан, *кеча, эрта, индин* каби равишларининг объектив санасини (йил, ой, кун) кўрсатиб бўлмайди, чунки улар нутқ жараёнига нисбатан воқелик кетма-кетлигини ифодалайди; *кеча* - нутқ муносабатидан олдин, *бугун* – нутқ муносабати арафасида ва нутқдан сўнг, *эрта* - сўзлашган кундан кейинги кун, *индин* - сўзлашган кундан кейинги иккинчи кун.

Учинчи шахс олмоши *у* семантикасида «объектив маъно», яъни объект билан боғлиқ ва предметлик қаторига тегишли белгилар: жонлилик, аниқ бир (мужской, женский) роддаги шахс мавжуддир. Учинчи шахс *у* олмошларининг семантикаси коммуникатив шахс белгиларидан фарқ қилади. *У* олмоши қуйидаги хусусиятларига кўра фарқланган:

1) у ҳар қандай объект билан референтлик муносабатига эга;

2) у ҳеч қачон бир вақтда нутқ актига нисбатан рефлектив муносабатда турмайди;

3) у матн ичида бир неча шахс ўрнида қўлланилиши мумкин;

4) у «бу ерда», «энди» типидаги референтлар парадигмаси билан муносабатга эга эмас [4.39].

Масалан:

– ***Tu*** *es le fils de Mateo Fortunato ?*

– *Oui.*

– *Moi,* ***je*** *suis Gienetto Sampiero.* ***Je*** *suis poursuivi par les « collets jaunes ». Cache-****moi****, car* ***je*** *ne puis aller plus loin.*

– *Et que dira mon père, si* ***je te*** *cache ?*

– ***Il*** *dira que* ***tu*** *as bien fait.*

– *Qui sait ?*

– *Cache-****moi*** *vite.* ***Ils*** *viennent.*

– *Attends que mon père revienne.*

– *Que* ***j****'attende ! Malediction !* ***Ils*** *seront ici dans quelques minutes. Allons cache-****moi****, ou* ***je te*** *tue.*

Fortunato lui repondit avec le plus grand sang froid :

– *Ton fusil est decharge, il n'a y plus de catouches dedans.*

– ***J****'ai mon stylet.*

– *Mais courras-****tu*** *aussi vite que* ***moi*** *?*

– ***Tu*** *n'es pas fils de Mateo Falcone !* ***Me*** *laisseras-****tu*** *donc arrêter devant ta maison ?*

– *Que* ***me*** *donneras si* ***je te*** *cache ? dit Fortunato.*

Мисоллардан кўринадики, дейктик белгилар гап ташкил этишда, тилнинг нутқий воқеланишида катта аҳамиятга эгадир.

Келтирилган парчада *«je» мен* - Жиането Санпиеро, *мен* - Фортунато, *«tu» сен* шакли билан ҳам икки суҳбатдош ифодаланяпти. Бирлик мужской род «*il*» олмош билан « *mon pere* «(отам), кўплик эса *«ils»* шакли билан «*collets jaunes*» (аскарлар) ифодаланган.

Биз, сиз, улар кўпликдаги шахс олмошлари семантикаси оддий эмас, улар реал референтларни *мен, сен* олмошларига нисбатан кўпроқ реал вазиятда, нутқ ҳолати билан аниқлаштиради. *Биз, сиз, улар* шаклидаги олмошлар нисбатан кўпроқ бўлиши мумкин бўлган референтлар ҳажмига эга, бинобарин, улар нутқ муносабатининг фақатгина реал иштирокчилари ҳақидагина эмас, балки иштирокчиларнинг сони ҳақида ҳам маълумот беради. Шунинг учун улар, сиз, биз, шакллари билан ифодаланган референтлар (шахс, предмет) кенг нутқ контексти ва мос экстралингвистик ҳолат билан аниқланади.

Биз олмоши ҳар вақт ҳам сўзловчининг кўплигини англатмайди. Тингловчининг ўзи узатилаётган ахборот мазмунидан кўплик шаклининг қайси маънода қўлланаётганини аниқлайди. Чунки *«биз»* эксклюзив, *«биз»* инклюзив шакллари фарқланади: эксклюзив – сўзловчи ва бошқалар, яъни сўзловчи бу гуруҳга кирмайди; инклюзив –

сўзловчининг ҳам ўша гуруҳ таркибидалиги тушунилади [5.138].

Масалан, ўзбек тилида бундай ҳолат биз олмоши ҳурмат, камтарлик маъноларида қўлланганда кўринади: *Ушбу мақоламизда **биз** тилшуносликнинг айрим масалаларини кўриб чиқдик*. Бу мисолда *биз* олмоши икки тушунчани беради, биринчисида сўзловчи ва бошқалар, яъни кўплик шакли «*биз*» инклюзив, иккинчисида эса сўзловчининг, ўзи қолганлар бу гуруҳга кирмайди, «*биз*» эксклюзив тушунилади.

Шахсни ифодаловчи дейктик бирликлар хусусиятларининг ёритилишида кишилик олмошларни ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Нутқ жараёнида сўзларни олмошлар билан алмаштириш орқали фикрни содда, ихчам, қайтариқларсиз ифодалаш масаланинг бир томони бўлса, нутқий акт иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини дейктик бирлик сифатида ифодалашга хизмат қиладиган прагматик воситага айланиши иккинчи жиҳатидир. Бунда кишилик олмошларининг нутқда қўлланишига дейктик бирлик сифатида қараб, прагматик жиҳатларни ҳам ўрганиш лозим.

Адабиётлар:

1. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. - М., 1977.
2. Почепцов Г.Г. Слушатель и его роль в актах речевого общения. //В кн.: Языковое общение: Единицы и регулятивы. – Калинин, 1987. С. 26-37
3. Ш. Сафаров. Прагмалингвистика – Т., 2008.
4. E. Benvenist. La nature des pronoms. – Paris. 1967.
5. Yule G. Pragmatics. – Oxford: Press, 1996.
6. Mérimée P. Colomba – Mateo Falcone. // http://beq.ebooksgratuits.com/vents/merimee-1.pdf

Андижон давлат университети,
2013 йил 10 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)